

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВ ҚОБИЛ КАМАЛОВИЧ**

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ  
БАХОЛАШ ВА КЎРСАТИЛАЁТГАН ДАВОЛАШ - ПРОФИЛАКТИКА  
ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бобоев Қобил Камалович**

Паркинсон касаллигининг эпидемиологик ҳолатини баҳолаш ва кўрсатилаётган даволаш-профилактик ёрдамни такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

**Бобоев Қобил Камалович**

Оценка эпидемиологического состояния болезни Паркинсона и совершенствование лечебно-профилактической помощи (на примере Ташкентской области)..... 29

**Boboyev Kobil Kamalovich**

Assessment of the epidemiological state of Parkinson's disease and improvement of medical and preventive care (in example of Tashkent Region)..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВ ҚОБИЛ КАМАЛОВИЧ**

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ  
БАХОЛАШ ВА КЎРСАТИЛАЁТГАН ДАВОЛАШ - ПРОФИЛАКТИКА  
ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib1007 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ризаев Жасур Алимджанович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раимова Малика Мухамеджановна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Шахноза Тулкиновна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Наргиза Нурмаматовна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али Ибн Сино номидаги**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.А. Асадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бош мия нейродегенератив касалликларидан Паркинсон касаллиги (ПК) ёш ўтиши билан тарқалиши экспоненциал ошиб, ногиронлик даражаси оғирлашмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «дунё аҳолиси кексайиб бормоқда ва яқин келажакда 65 ёшдан юқори шахсларнинг сони беш ёшгача бўлган болаларнинг сонидан ошиб кетиши кутилмоқда. Аҳолини демографик қариши иқтисодий муаммоларни вужудга келтириб, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимига бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келади»<sup>1</sup>. Демографик ва эпидемиологик ўзгаришлар жадал кечаётган урбанизация, модернизация, глобаллашув ҳамда хавф омиллари ва турмуш тарзининг муносиб тарзда ўзгариб бориши туфайли аҳоли орасида, айниқса, кекса ёшдаги шахслар орасида, сурункали касалликларнинг кўпайиши маълум даражада тиббий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва маиший муаммоларга олиб келмоқда ва жамият саломатлигини сақлашда муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда Паркинсон касаллигининг эпидемиологик ҳолатини ёшни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ва кўрсатилаётган даволаш-профилактик ёрдамни такомиллаштириш, айниқса кекса ва қария ёшидаги шахсларнинг саломатлик ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ПКда сурункали прогрессив дофаминергик дегенерация, қора субстанция нейронларида альфа синуклеин оқсилларининг тўпланиш омилларини баҳолаш, клиник кўринишида титроқ билан ва титроқсиз турларини баҳолаш, касаллик ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмнинг ролини аниқлаш, бирламчи тиббий бўғинда диагностика усуллари ва даволаш мезонларини оптималлаштириш, касалланишнинг авж олиши ва асоратларини камайтириш, бирламчи тиббий бўғинда нейродегенератив касалликлар, жумладан Паркинсон касаллигини, айниқса қариялар орасида, ташхислаш, касаллик ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва касаллик прогнозини оптималлаштириш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш орқали касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш ишларини такомиллаштиришни талаб қилади. «...Катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узоқ муддатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу

<sup>1</sup>ЖССТнинг 2014 йилдаги «Саломатлик – 2020 – XXI аср учун Европа сиёсати асослари ва стратегияси.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда кекса ва қария ёшидаги шахсларнинг саломатлик ҳолати, касалланиши, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини комплекс тарзда чуқур ўрганиш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», ҳамда 2018-йил 30-августдаги ПҚ–3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда паркинсонизмнинг клиникаси, диагностикаси, унинг турли формаларида ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Паркинсон касаллигининг тарқалганлиги, эпидемиологияси, касалликка чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштирилган (Похабов Д.В. (2008), Катюнина Е.А. (2010), О.С.Калашникова (2011), О.В.Кривонос (2013), Радорская В.В. (2013), Д.К.Сичинава (2017)). Чупина Л.П. (2014) Паркинсон касаллигида ривожланадиган мотор ва номотор бузилишларнинг касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда 3 йиллик проспектив изланиш асосида касалликнинг тез кечишига таъсир этадиган предикторлари аниқлаган. Паркинсон касаллиги билан боғлиқ постурал деформациялар реабилитацияси давомида клиник, функционал, психологик кўрсаткичлар ҳамда ҳаёт сифати динамикаси аниқланди (Фурсова И.В., 2021).

Х.М. Халимова, М.М. Раимова, Р.Ж. Матмуродов, Мансурова Н.А., Э.И. Абдукодировларнинг республикамизда бу муаммони ўрганишда ҳиссаси катта. Р.Ж. Матмуродовнинг илмий изланишларида (2017) Паркинсон касаллиги учун ташхислаш маркери ҳисобланиб беморлар қон таркибидаги нейронларга махсус бўлган S100B оксигени ўрганилиб, унинг миқдори касалликнинг клиник шакллари ва босқичига боғлиқлиги аниқланган. Шунингдек, S100B оксиген даражаси беморлар ёшига ва касаллик давомийлигига боғлиқлиги топилган. Раимова М.М. (2017) ўзбек миллатига мансуб бўлган инсонларда Паркинсон касаллиги ривожланишида молекуляр-

генетик полиморфизмнинг ролини аниқлаган, Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг клиник ва дифференциал-диагностик хусусиятларини очиб берган. Мансурова Н.А. (2020) илмий изланишларида Паркинсон касаллигининг патогенезида витамин Д роли ўрганилган ҳамда ўзбек ва япон миллатларига мансуб бўлган инсонларда клиник ва биокимёвий хусусиятларини қиёсий таҳлил ўтказилган. Э.И. Абдукодиров (2022) Паркинсон касаллигини ташхислашда эрта предикторларни (номотор белгилар ва биёкимёвий нейротрофик факторлар) ахамиятини аниқлаган.

Ҳозирги замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда Паркинсон касаллиги билан касалланиш, ногиронлик, касалликка чалинган беморларнинг саломатлик ҳолатини, уларнинг турмуш шароити, тарзи ва ҳаёт сифатини эътиборга олган ҳолда турли ёш-жинс гуруҳларида ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни уларнинг ижтимоий тоифалари бўйича комплекс тарзда интеграллашган ҳолда ўрганилиши лозим ҳамда уларнинг саломатлигини яхшилаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга аҳамият бериш керак.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011900252-сон «Паркинсон касаллигининг эпидемиологик ҳолатини баҳолаш ҳамда даволаш-профилактик ёрдамни муқобиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган(2019-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Паркинсон касаллигининг эпидемиологик кўрсаткичларини баҳолаш орқали беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент вилояти мисолида аҳолининг турли жинс ва ижтимоий гуруҳларида Паркинсон касаллиги билан касалланиш динамикасини ҳамда касалликнинг оғирлик даражаси ва тузилишини таҳлил қилиш;

Паркинсон касаллиги билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш ва унинг даражасига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш;

Паркинсон касаллигида ногиронликнинг учраш частотаси, даражаси ва сабабларини аниқлаш;

Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларга соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида кўрсатилаётган диагностик ва терапевтик ёрдам ҳажми ҳамда сифатини баҳолаш;

Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида Паркинсон касаллиги билан касалланиш, ногиронлик бўйича статистик маълумотлар; 200 нафар Паркинсон касаллиги билан касалланган беморлар (ҳодиса гуруҳи) ва 200 нафар аналогик шароитда истиқомат қиладиган, лекин

Паркинсон касаллиги билан касалланмаган шахслар (назорат гуруҳи); БТСЁ муассасалари, марказий поликлиникалар ҳамда стационар шароитида даволанган Паркинсон касаллиги билан касалланган беморлар (жами 100 нафар) олинган.

**Тадқиқотнинг предметини.** Паркинсон касаллигига чалинган беморларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, касалланиши, ногиронлиги, турмуш тарзи ва тиббий фаоллиги, ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ташкил этилганлиги ҳақида тахлилий маълумотлар, тест натижалари, сўровномалар ва тиббий-ташкилий фаолияти натижалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, кўп босқичли тасодифий танлов усули (кластер, стратификация), эпидемиологик, клиник, ижтимоий-гигиеник, социологик ва статистик усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллигининг эркакларда аёлларга нисбатан аралаш шакли (титроқ ва акинетик-ригид) нейротоксинлар таъсирида ривожланган дофаминергик ва холинергик дисфункция хисобига кенг тарқалиши ва авж олишига сабаб бўлиши аниқланган;

илк бор Паркинсон касаллигининг келиб чиқишида аҳамиятли омиллар учраш хавфи даражасига кўра (ирсий мойиллик-4,7; қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари билан боғлиқ меҳнат-3,5; беморларнинг кониқарсиз яшаш шароитлари-2,6; оилада қониқарсиз рухий ҳолат-2,5) комплекс баҳоловчи икки майдонли прогностик баллик тизим орқали аниқланган;

Паркинсон касаллигининг аралаш турида барча мотор симптомлар ва номотор симптомлардан вегетатив бузилишлар ҳаракат чекланиши билан кўп кузатилиши сабабли эркакларда ногиронлик даражаси юқорилиги аниқланган;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий бўғин муассасаларида беморларга кўрсатилаётган ташхислаш-даволаш-профилактик ёрдамни беморга боғлиқ бўлган ва бўлмаган омилларни камайтиришга йўналтирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳаракат чизмаси (маршрутизация) касалликни бошланғич ва кечки босқичларига кўра такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллигининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасига қаратилган, босқичма-босқич амалга ошириладиган, комплекс тизимли ёндошув дастури ишлаб чиқилган;

Паркинсон касаллигини камайтириш, барвақт аниқлаш, диспансер назоратига олиш, индивидуал дифференциялашган, гуруҳли чоратадбирларни амалга ошириш, ижтимоий-гигиеник омилларнинг ролини баҳолаш имконини берувчи прогностик жадвал ишлаб чиқилган;

Паркинсон касаллигининг келиб чиқишида аҳамиятли омилларни аниқлаш ва уларни камайтириш мақсадида уч поғонали тизим ишлаб чиқилган;

БТСЁ муассасалари умумий амалиёт врачлари фаолиятида Паркинсон касаллигининг шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари даражасини комплекс баҳолашга қаратилган аҳоли хавф гуруҳини аниқлаш, уларнинг

хавф даражасига кўра индивидуал, дифференциаллашган даволаш профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган тиббиёт ходимлари сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар Паркинсон касаллигига чалинган шахсларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, ушбу касаллик оқибатида ривожланадиган ногиронликни олдини олиш ва ногиронликни чуқурлашишини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этиши ва беморларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг такомиллашишига катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Паркинсон касаллигига чалинган шахслар ижтимоий тоифаларини, касалланишларининг ёш-жинс хусусиятларини ҳамда уларнинг ижтимоий-демографик характеристикаларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган тавсиялар ва аҳоли контингенти орасида хавф гуруҳларини аниқлаган ҳолда саломатлик ҳолатини баҳолашга ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирилган индивидуал даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паркинсон касаллигининг клиник-эпидемиологик хусусиятлари, турмуш шароити, турмуш тарзи ва тиббий фаоллиги, хавф омиллари, касалликнинг тиббий, ижтимоий иқтисодий самарадорлигини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

Паркинсон касаллигининг эрта ва кечки боскичларидаги клиник белгилар ва уларни даволаш аспектларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Паркинсон касаллигининг эрта ва кечки боскичларидаги клиник белгилар ва уларни даволаш аспекти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 8н-з/420-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморлар турмуш тарзи ва шароитини баҳолаш, етакчи хавф омилларни аниқлаш ва улар асосида прогностик жадваллар ишлаб чиқиш, ҳамда индивидуал дифференциаллашган даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини берган;

Паркинсон касаллигида ташхислашни оптималлаштириш ва ногиронлик факторлари тахлили бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Паркинсон касаллигида ташхислашни оптималлаштириш ва ногиронлик факторлари тахлили» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 апрелдаги 8н-р/336-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Паркинсон касаллигидан

касалланиш ва ногиронлик натижасида келиб чиқадиган иқтисодий зарарни хисоблаш, ишлаб чиқилган чора тадбирларни амалга оширишда ушбу зарарни камайтириш, ҳамда беморларга индивидуал дифференциаллашган даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўтказиш йўли билан уларнинг ҳаёт сифатини ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишини яхшилаш имконини берган;

Паркинсон касаллигига чалинган беморлар ва уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамни такомиллаштиришга қаратилган тизимли тадқиқот таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникасининг неврология бўлими, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг тиббий реабилитация бўлими, Тошкент шаҳар 5-сон клиник шифохонаси неврология бўлими амалиётига жорий қилинган (Тошкент давлат стоматология институтининг 2023 йил 21 февралдаги 04-295 маълумотномаси). Олинган илмий натижалар тиббий-ижтимоий муассасаларнинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, касалликка чалинган шахсларнинг саломатлигини ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамдан қониқиш ҳиссини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари бта илмий-амалий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги ва олиб борилган илмий тадқиқотларнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот Республикада амалга оширилаётган фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллиги муаммоси, унинг эпидемиологияси ва клиникасига замонавий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил

ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда Паркинсонизм муаммоси турли давлатларда тарқалганлиги, этиологик омиллари, Паркинсон касаллигининг билан касалланган шахслар, уларнинг касалланиши, турмуш тарзи ва ҳаёт сифати, ҳамда уларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган ва ҳозирги кунда Паркинсон касаллиги билан касалланган шахслар саломатлик ҳолати ва уларга кўрсатилаётган тиббий- ижтимоий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ўрганиш бўйича мукамалроқ тизимли тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифа эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида, Паркинсон касаллигининг Тошкент вилоятида тарқалганлиги, тузилиши ва даражаси, клиник турлари ва касаллик ривожланишининг хавф омиллари, беморларнинг турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат ҳолатини ўрганишда қўлланилган тадқиқот усуллари хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқот мақсади ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун кўп поғоналик тасодифий танлов усули қўлланилган. Тадқиқотнинг эпидемиологик босқичида (2015-2018 йй) Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида Паркинсон касаллигининг тарқалганлиги, ногиронлик ҳолатлари ёппасига ретро-проспектив кузатув усули орқали ўрганилди.

#### 1 жадвал

#### Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида Паркинсон касалли билан касалланганлар сони (абсолют қийматларда)

	Шаҳар ва туманлар	2015	2016	2017	2018	Жами	Ўртача 4 йилда
1	Бекобод ш-р	23	24	24	24	95	23,75±0,5
2	Олмалиқ	29	30	30	30	119	29,75±0,5
3	Ангрен	54	56	56	56	222	55,5±1,0
4	Чирчиқ	39	42	45	53	179	44,75±6,02
5	Оққўрғон	16	17	19	25	77	19,25±4,03
6	Оҳангарон	15	17	16	15	63	15,75±0,95
7	Бекобод р-н	23	24	24	24	95	23,75±0,5
8	Бука	20	23	24	27	94	23,5±2,03
9	Бўстонлик	15	17	17	17	66	16,5±1,0
10	Зангиота	74	76	76	75	301	75,25±0,95
11	Қибрай	50	51	49	49	199	49,75±0,95
12	Қуйичирчиқ	5	7	10	11	33	8,25±2,03
13	Паркент	18	20	20	20	78	19,5±0,95
14	Пскент	11	14	17	20	62	15,5±3
15	Ўртачирчиқ	41	43	43	43	170	42,5±0,95
16	Чиноз	22	24	24	24	94	23,5±0,95
17	Юқоричир-қ	21	20	27	30	98	24,5±3,0
18	Янгийўл	24	26	26	26	102	25,5±0,95
	Жами	500	531	547	563	2147	535,25±26,9

Интенсив ва стандартлаштирилган кўрсаткичлар жинс ва ёш таркибига кўра ҳисобланди. Бунда ЖССТ тавсия этган ёшга оид интервалдан фойдаланилди: 18 ёшгача, 18-44, 45-59, 60-74, 75 ва юқори ёшдагилар. Паркинсон касаллигининг илк белгилари, пайдо бўлиш вақти, беморнинг даволаш профилактика муассасасига (ДПМ) мурожаат қилган вақти, биринчи марта Паркинсон касаллиги ташҳиси қўйилган вақти, беморнинг ДПМ да даволаниш давомийлиги, қандай дори воситаларни қабул қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар беморларнинг амбулатор картасидан (025/-ш) ўрганилди.

Паркинсон касаллигида кузатиладиган белгилар, унинг клиник тури ва касаллик дебют вақти каби маълумотларни ўрганиш учун 200 та беморни чуқур клиник - неврологик текширувлардан ўтказилди. Бунинг учун Зангиота, Пскент, Бўстонлик ва Олмалик туманларида 50 тадан Паркинсон касаллиги билан оғриган беморда касалликнинг ривожланиш тарихи, клиник белгилари, кечишини, шунингдек касалликка олиб келувчи хавф омилларини батафсил ўрганиб чиқилди. Тадқиқотга қон-томир паркинсонизми билан оғриган, шунингдек бошқа сурункали оғир касалликлар билан касалланган беморлар жалб қилинмади.

Касалликни келтириб чиқарувчи ва унинг шаклланишига сабаб бўлувчи хавф омиллари далилларга асосланган тиббиёт фанининг “ҳодиса- назорат” усулини қўллаш орқали ўрганилди. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи хавф омилларининг характери ва бир-бири орасидаги мавқеини аниқлаш учун уларни маълум омиллар гуруҳига бўлиб ўргандик: биологик омиллар, ижтимоий ҳолат, маълумот ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ омиллар, уй шароити, овқатланиш, дам олиш, жисмоний фаоллик билан боғлиқ омиллар, зарарли одатлар ва оиладаги ўзаро муносабатлар.

Беморларнинг турмуш тарзи, турмуш сифати ва касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларини ўрганиш учун ҳар тумандан тасодиқий танлаш йўли билан жами 200 нафар Паркинсон касаллиги билан касалланган беморлар (ҳодиса гуруҳи) ва 200 нафар аналогик шароитда истиқомат қиладиган, лекин Паркинсон касаллиги билан касалланмаган (назорат гуруҳидаги) шахслар жалб қилинди. Социологик тадқиқотга киритилган беморлар жами Тошкент вилоятида қайд этилган (2015-2018 йилларда) ўртача беморлар сонининг (2147) 9,3%ни ташкил этди. Социологик тадқиқотга жалб қилинган беморлар, аҳолининг яшаш шароити, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олган ҳолда Тошкент вилоятининг Зангиота, Пскент, Бўстонлик ва Олмалик туманларида “страта” усулида ажратиб олинди.

Маълумотларни статистик таҳлил қилишда нисбий ва ўртача қийматлар аниқланди, нисбий ва ўртача қийматлар хатоликлари топилди. Танланган мажмуа хусусиятларини таққослашда фарқлар ишончилигини баҳолашда t-Стюдент критерияси қўлланилди. Корреляцион алоқаларнинг боғлиқлик кўрсаткичларини ўзаро алоқадорлигини ўрганишда жуфтлик корреляцияси, мослик кўрсаткичи, мувофиқлаштирилган интенсив кўрсаткич (N), нисбий хавф кўрсаткичи (R), истиқболлик коэффициенти (X), меъёрий катталиқ (M) ҳисобланди.

Шундай қилиб, қўлланилган комплекс тадқиқот усули беморларнинг

саломатлик ҳолати, турмуш шароити, турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини ҳамда уларга ташкил этилаётган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ҳолатини ва қарияларнинг ундан қониққанлик даражасини ўрганиш учун етарли даражада имкон берди.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллигининг динамикаси ва тарқалганлигининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятида аҳоли орасида Паркинсон касаллиги тарқалганлиги, тузилиши ва даражаси, ҳамда ПК билан оғриган беморларнинг анамнестик ва клиник неврологик маълумотлар таҳлили келтирилган.

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятида касалланиш кескин суратлар билан ошиб бориши қайд этилди. 2015 йилда касалланиш кўрсаткичи 100000 аҳолига умумий касалланиш 24,7ни, бирламчи касалланиш 1,5ни; 2016 йилда мос равишда 25,9 ва 1,8ни, 2017 йилда мос равишда 26,6 ва 2,1, ҳамда 2018 йилда 27,1 ва 2,3ни ташкил қилди. Паркинсон касаллигидан аҳолининг касалланиш динамикаси 2018 йилда 2015 йилга нисбатан 10,2% га ошганлиги аниқланди. (2 жадвал)

## 2 жадвал


### Тошкент вилояти аҳолисининг 2015-2018 йилларда Паркинсон касаллигидан бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
18 ёш ва ундан катта аҳоли сони	2 025 765	2 041 012	2 056 102	2 073 024
Қайд қилинган беморлар сони	500	531	547	563
Умумий касалланиш кўрсаткичи (мазкур ёшдаги 100000 аҳолига)	24,7	25,9	26,6	27,2
Биринчи марта аниқланган беморлар	32	38	43	48
Бирламчи касалланиш кўрсаткичи (мазкур ёшдаги 100000 аҳолига)	1,5	1,8	2,1	2,3

Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида Паркинсон касаллигининг тарқалганлигини таҳлил қилганда касалланиш шаҳар ва туманларида бир хилда тарқалмаганлиги қайд этилди. Жумладан, вилоятнинг Чирчиқ (43,8±0,70), Ангрен (42,7±0,73), Бекобод (38,1±0,89), Олмалиқ (33,1±0,53) каби шаҳарларида касалланиш кўрсаткичи вилоят кўрсаткичига қараганда қарийб икки баробар юқори, ва касалланиш кўрсаткичи динамикада 2015 - 2018 йилларда Чирчиқ ва Бекобод шаҳрида ортиб бораётганлиги қайд этилган. Тошкент вилояти шаҳарларида Паркинсон касаллигидан аҳолининг касалланиш кўрсаткичининг юқорилиги касалликни ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва уларни рўйхатга олиш каби ишларни тўғри йўлга қўйилганлиги билан ҳам боғлиқ. Бироқ, бу маълумотлар статистик жиҳатдан ишончли эмас. Паркинсон касаллигини аҳоли орасида тарқалганлиги тўғрисидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни олиш Паркинсон касаллигига

шубха қилинган ҳар бир беморни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш, ташхисни, унинг клиник турини клиник инструментал текширувлар асосида тасдиқланиши лозим. Бу кейинчалик беморларни даволаш, профилактика ишларини тўғри ва асосли режалаштириш ва олиб боришга ёрдам беради.

Паркинсон касаллигидан касалланишни ёш таркибига кўра таҳлил қилганимизда, 18-30 ёшдагилар орасида 1,3%, 30-50 ёшдагилар орасида – 34,5%, 50 ёш ва ундан юқори ёшдагилар орасида эса 64,1% ни ташкил қилмоқда (1 расм).




**1-расм. Паркинсон касаллигининг аҳоли орасида ёш таркибига кўра тақсимланиши**

Касалликнинг энг кўп қисми асосан 59 ёшдан ошганлар хиссасига тўғри келади, бу бошқа тадқиқотчилар олган натижаларга мос келади: Паркинсон касаллигидан касалланиш айнан катта ёшли аҳолига хосдир. Бироқ шуни алоҳида такидлаш керакки, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан олинган маълумотларга кўра, Паркинсон касаллигидан касалланиш вилоятда 30-50 ёшли аҳоли орасида ҳам кенг тарқалганлигини кўриш мумкин (30,7%), хорижий адабиётларда келтирилишича касалликнинг асосий улуши 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолига тўғри келади.

Бирламчи кўриқ вақтида касалликнинг ўртача давомийлиги эркаклар ва аёллар ўртасида бироз фарқланди, жумладан 72,0% эркаларда касалликнинг ўртача давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлган ораликни ташкил қилган бўлса, 40,0% аёлларда эса 6 йилдан 10 йилгача бўлган ораликни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, эркаларда касалликнинг ўртача давомийлиги аёлларникига қараганда қарийб 2 баробарга қисқароқ экан. Касалликнинг ривожланишига тўғри бўлувчи омиллар таҳлил қилинганда 73,0% беморлар анамнезида руҳий шикастланишлар (психотравмалар) борлиги, шунингдек эркаларда кўрсаткич аёлларга нисбатан юқори эканлиги (мос равишда 74,4% ва 70,6%) аниқланди.

Касалликнинг жинслар орасида тарқалганлик даражасини таҳлил қилганимизда вилоятда Паркинсон касаллигидан касалланиш эркаларда аёлларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Бу ҳолат вилоятда 1,5:1,0 нисбатни ташкил қилмоқда. Тошкент вилоятида Паркинсон касаллигига чалинган беморлар орасида ҳам умуман олганда эркалар аёлларга нисбатан кўпчилиқни ташкил қилади, бироқ ёш катталашган сари касалланиш даражаси аёлларда ҳам ошиб боради.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг 62,5%ни (125 та) эркаклар ва 37,5%ни (75 та) аёлларни, жумладан уларни ёш бўйича таҳлил қилганда, эркаклар гуруҳидаги 18-44 ёшдаги беморлар 6,4%ни (8 та), 45-59 ёш 35,2%ни (44 та), 60-74 ёшдагилар 51,2%ни (64 та), 74 ёшдан катта беморлар 7,2%ни (9 та), аёллар гуруҳидаги 18-44 ёшдаги беморлар 5,3%ни (4 та), 45-59 ёш 22,7%ни (17 та), 60-74 ёшдагилар 68%ни (51 та), 75 ёшдан катта беморлар 4%ни (3 та) ташкил қилди (2-расм).





**2-расм. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимланиши (%)**

Бирламчи кўрик вақтида касалликнинг ўртача давомийлиги эркаклар ва аёллар ўртасида бироз фарқланди, жумладан 72,0% эркакларда касалликнинг ўртача давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлган ораликни ташкил қилган бўлса, 40,0% аёлларда эса 6 йилдан 10 йилгача бўлган ораликни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, эркакларда касалликнинг ўртача давомийлиги аёлларникига қараганда қарийб 2 баробарга қисқароқ экан.


Касалликнинг ривожланиш (зўрайиш) тезлигига кўра таҳлил қилинганда, 77,6% эркакларда ўртача тезликда ривожланиш характериغا эга бўлса, аёлларда у секин ривожланиш (62,6%) характериغا эга эканлиги қайд этилди (3-расм).

Беморларнинг кундалик фаоллик кўрсаткичи (UPDRS II-қисм ва Шваб и Ингланд шкаласига кўра) Паркинсон касаллиги билан оғриган эркакларда аёлларга нисбатан аниқроқ пасайишини кўрсатди (мос равишда  $14,2 \pm 3,1$  ва  $19,2 \pm 3,9$ ), бу эркакларда чуқур неврологик бузилишлар аниқланиши ва борлигидан далолат беради.



Касалликнинг давомийлиги Касалликнинг ривожланиш тезлиги  
**3-расм. ПКнинг давомийлиги ва ривожланиш тезлигига қараб беморларнинг тақсимланиши**

Касалликнинг учраш формаси бўйича таҳлил қилинганда, беморларда касалликнинг аралаш формаси 49,0%ни (98 та) ташкил қилиб, устунлик қилди, 71 та беморда (35,5%) эса акинетик - ригид формаси ва 31 та (31,5%) беморда титроқ формаси қайд этилди. Эркакларда касалликнинг аралаш формаси 51,2%, акинетик ригид тури 33,6% ва титроқ тури 15,2%ни ташкил қилган бўлса, аёлларда мос равишда 45,7; 38,6 ва 16,0% га тенглиги аниқланди (4-расм).



Изоҳ: Эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқ ишончлилиги  $p < 0,05$ га тенг

**4-расм. Беморлар касалликнинг турига қараб жинс бўйича тақсимланиши**

Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун Hoehn ва Yahr шкаласидан фойдаландик. Унга кўра, Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларда касалликнинг II - оғирлик даражаси (43,5%) устунлик қилди. I – оғирлик даражадаги беморлар 26,5% ни, III- даражадаги беморлар 21,5%ни ва IV– 8,5%ни ташкил қилди.

Касалликнинг оғирлик даражасини жинсга боғлиқлигини таҳлил

қилганда, эркакларда II ва III - даражаси (мос равишда 47,2 ва 24,8%) етакчилик қилган бўлса, аёлларда эса I ва II - оғирлик даражаси (мос равишда 34,6 ва 37,4%) устунлик қилди. Эркакларда касалликнинг ривожланиш даражаси, давомийлиги, ҳамда оғирлик даражасининг аёллардан бундай фарқланишини эркакларда нигростриал йўллارнинг дегенерацияси тезроқ кечиши билан ифодалаш мумкин, бу эса уз навбатида эркакларда ташки мухит нокуя таъсири аёлларга нисбатан купроклиги билан изохлаш мумкин.

ПК билан оғриган беморларда асосий симптомлардан бири бу ҳаракат (мотор) бузилишлардир. Биз тадқиқотга жалб қилинган беморларда ҳаракат бузилишлари, жумладан тинч ҳолатда тремор, гипомимия, нутқ ва постурал бузилишлар, псевдобульбар синдром, рефлекслар ассимметрияси, патологик рефлекслар, мияча бузилишлари кабиларни эркаклар ва аёлларда учраш даражасини таҳлил қилдик (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Паркинсон касаллигида беморларда ҳаракат (мотор) бузилишлари даражаси

Белги (симптом)	Жами беморлар		Эркаклар		Аёллар	
	n=200 абс.	M±m %	n=125 абс.	M±m %	n=75 абс.	M±m %
Тинч ҳолатда тремор	181	90,5±2,9	116	92,8±2,3	71	94,6±1,5
Гипомимия	131	65,5±3,3	97	77,6±3,7	34	45,3±3,5
Нутқнинг бузилиши	102	51,0±3,5	74	59,2±4,3	28	37,3±3,4
Постурал бузилишлар	85	42,5±3,4	67	53,6±4,4	17	22,6±2,9
Псевдобульбар синдром	21	10,5±2,1	12	9,6±2,6	9	12,0±2,2
Чуқур рефлекслар ассимметрияси	25	12,5±2,3	13	10,4±2,7	12	16,0±2,5
Мияча бузилишлари	11	5,5±1,6	7	5,6±2,0	4	5,3±1,5

Агар ригидлик, тинч ҳолатда тремор каби асосий симптомларнинг пайдо бўлиш частотаси иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил учраган бўлса, гипокинезия ва нутқнинг бузилиши эркаклар гуруҳида аёлларга қараганда деярли 1,5 мартага юқорилиги қайд этилган, жумладан эркакларда гипомимиянинг учраш даражаси 77,6%ни, нутқ бузилиши эса 53,6%ни ташкил қилган, аёлларда мос равишда 45,3% ва 37,3%ни ташкил қилган. (p < 0.001). Паркинсон касаллигига хос аломатлар, ҳид билишнинг бузилишлари (гипо ва аносмия кўринишида) эркакларда етакчилик қилди (мос равишда 88,2% ва 78,4%). Аёлларда эса ушбу аломатлар камроқ тарқалган ва 28,9% ва 30,4%ни ташкил қилди.

26,7% ҳолларда аёлларда постурал бузилишлар қайд этилган бўлиб, у эркакларга қараганда юқори даражада қайд этилди (9,6%).

Юқорида келтирилган статистик ва клиник текширув маълумотлар ва уларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди. Тошкент вилоятида Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлар орасида эркакларнинг улуши юқори, лекин ёш ортиши билан (ёши катта ва кекса ёшларда) аёлларда касалланиш кўрсаткичи ортиб бориши қайд этилди. Касалликнинг ривожланиш (зўрайиш) тезлиги эркакларда ўртача тезликда ривожланиш характерига эга бўлса, аёлларда секин ривожланиш характерига эга. Касалликнинг ривожланишига туртки бўлувчи омиллар сифатида 73,0%да руҳий шикастланишлар (психотравмалар) аниқланди, ва эркакларда ушбу кўрсаткич аёлларга нисбатан юқори. Эркакларда ва аёлларда касалликнинг аралаш тури устунлик қилди (мос равишда 51,2% ва 45,7%). Касалликнинг оғирлик даражаси эркакларда аёлларга нисбатан бир оз оғирроқ бўлди, ва бу уларда II ва III -даражаси (мос равишда 47,2 ва 24,8%) устунлик қилганлиги билан ифодаланди.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллигининг хавф омиллари, унинг профилактикасига тизимли ёндашув**» деб номланган туртинчи бобда ПКбилан касалланган беморларнинг турмуш тарзи, тиббий фаоллик даражаси ва касалликка олиб келувчи хавф омилларини эрта аниқлашнинг прогностик жадвали ишлаб чиқилган

Паркинсон касаллигининг наслий характерга эга эканлиги кўпгина тадқиқотчилар томонидан асослаб берилган [Иллариошкин С.Н., 2014, Miller D.V., 2015 ва б.к.]. Шунинг учун сўровнома асосида беморларнинг яқин қариндошлари орасида Паркинсон касаллиги мавжудлиги ўрганилди ва 35,5% беморнинг (ҳодиса гуруҳи) яқин қариндошлари орасида Паркинсон касаллигининг мавжудлиги қайд қилинган. Назорат гуруҳининг 89,5%да яқин қариндошлари орасида касаллик кузатилмаган. Демак, наслида Паркинсон касаллиги қайд этилган шахсларда касалликка чалиниш хавфи 4,7 марта юқори экан (ШН-4,7).

Беморларнинг ёши, маълумоти ҳам касалликда аҳамиятли омиллардан биридир. 60 ёшдан катта беморларда касалликнинг учраш хавфи 2 марта юқорилиги қайд этилган (ШН -2,1).

Паркинсон касаллигига чалинган ишчилар орасидан саноат корхонасида ишловчилар 29,2%ни, қишлоқ хўжалигида ишловчилар 32,0%, қурилиш соҳаси ходимлари - 4,8%, автотранспорт ходимлари - 4,8%, озиқ-овқат маҳсулотлари билан алоқада бўлувчилар 6,8% ни ташкил қилади. Ҳодиса гуруҳида саноат корхонаси ишчилари ва қишлоқ хўжалигида ишловчи ходимлар юқори кўрсаткични ташкил қилди. Бу соҳа ишчилари орасида касалланиш хавфи бошқа соҳадаги ишчи хизматчиларга қараганда 2,4 марта юқорилиги қайд этилди. Шунингдек, иш стажи ошган сари хавф омиллари билан боғлиқлик ошиб бориши аниқланди. Жумладан, иш стажи 10-15 йилгача бўлганда касалликка чалиниш хавфи 2,1 марта (ШН -2,1), 15 йилдан кўп бўлганда 3,5 мартага ортиши қайд этилди (ШН - 3,5).

Беморлар орасида 25,2%да меҳнат режаси тўғри ташкиллаштирилмаганлиги, иш жойларидаги гигиеник талабларга, шунингдек, корхонанинг микроиқлими гигиеник талабларига жавоб бермаслиги, 18,4%

касбга алоқадор зарарли омилларнинг мавжудлиги аниқланди.

Кўпгина адабиётларда келтирилишича, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган зарарли одатлар ҳар қандай касалликнинг кечишига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, чекиш, спиртли ичимликларни қабул қилиш нафас аъзолари касалликларининг келиб чиқишига, организм иммун тизимининг пасайишига, бунинг натижасида эса йўлдош касалликларнинг келиб чиқишига туртки бўлади.

Таҳлил натижаларига кўра, 16,0% беморлар тамаки маҳсулотларини чекади, назорат гуруҳида эса 7,0% шахслар чекиши қайд этилди. Беморлар билан суҳбат ўтказганда чекишнинг организмга таъсирини 7,7% бемор билмаслигини, 3,8% эса организмга чекиш ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаслигини таъкидлаган.

Асосий ва назорат гуруҳидагиларнинг спиртли ичимликларни қабул қилиши ва оилавий муносабатларига нисбатан тақсимланишига кўра спиртли ичимлик қабул қиладиган контингент ўртача 29,5% ни ташкил қилмоқда. Ўсмирлик ёшидан ичимлик қабул қилиш ҳодиса гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 3,2 баробар юқори.

Касалликлар профилактикасида ўткир ва сурункали касалликлар вақтида шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўткир ва сурункали касалликлар вақтида шифокорга ўз вақтида мурожаат назорат гуруҳида ҳодиса гуруҳига нисбатан 2 баробар юқори бўлди. Сўровноманинг кейинги 2-3 йил ичида профилактик тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги сўровнома 30,5% респондентлар тиббий кўриқдан тўлиқ ўтмаганлигини тан олди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида 14,1% ни ташкил қилди.

Респондентларнинг тиббий хизматга муносабатини ҳам ўргандик, унга кўра 60,0% тиббий хизматга доим мурожаат қилиши ва хизматдан тўлиқ қониқишини таъкидлаган. Шунингдек, беморларнинг 23,6% тиббий хизматдан қониқмаслигини, 2,4% фақат касаллик варақаси учун мурожаат қилишини, 14,0% эса умуман мурожаат қилмаслиги, ҳатто касал бўлганда ҳам мустақил равишда даволаниши аниқланди, демак беморларнинг тиббий хизматга муносабати ижобий эмас.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўғинларида, айниқса ҚВП, ҚОП, ОПларда касалликка олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш, баҳолаш ва касалликка ташҳис қўйиш қийинчилик туғдирмоқда. Паркинсон касаллигининг асоратли кечиши, эрта ногиронликка олиб келиш сабабларидан бири – беморларни назорат қилишда дифференциаллашган ёндашувнинг бўлмаслигидир. Беморларда касалликнинг дастлабки босқичларида касалликнинг клиник белгилари сезиларли ифодаланмаган бўлади. Бу эса ҳатто малакали врачларда ҳам даволаш режасини тузишда хатоликка йўл қўйишга сабаб бўлади.

Касалликка олиб келувчи хавф омиллари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишда махсус ишлаб чиқилган математик моделдан фойдаланиш ижобий самарани беради. Касалликка олиб келувчи хавф омиллари жуда кўп. Бироқ улардан ҳар бирининг организмга таъсирини баҳолаш ва уни прогнозлаш тиббиёт ходимидан бирмунча кўп вақтни талаб қилади. Бу эса

айниқса БТСЁ муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари учун қийинчилик туғдиради.

Тадқиқотларнинг натижаларини чуқур таҳлил этиш, клиник эпидемиологиянинг аналитик тадқиқот усуллари: хавф омилларини аниқлаш, шанслар нисбати ва касалликларнинг тарқалганлигини прогнозлаш усулларида фойдаланган ҳолда Паркинсон касаллигининг етакчи хавф омиллари аниқланди, уларнинг истиқболини аниқлаш ва баҳолаш жадвали ишлаб чиқилди.

Паркинсон касаллигига хос касаллик симптомлари билан мурожаат қилган беморлардан тўлиқ анамнез маълумотлари олинади. Олинган анамнез маълумотлари жадвалга қўйилади ва хавф омиллари белгилаб олинади. Хавф чегараси 13,0-39,2 оралиғида, бундан келиб чиқиб хавф чегараларини 3 интервалли гуруҳга бўлдиқ: хавфнинг энг кичик даражаси 13,0-20,86 (30,0%), хавфнинг ўртача даражаси 20,87-28,72 (30%), хавфнинг энг юқори даражаси 28,73-39,2 (40%).

Юқоридагиларга мос ҳолда истиқбол (прогноз)ни 3 гуруҳга бўлдиқ: яхши истиқболли гуруҳ, диққатни талаб қиладиган гуруҳ, ёмон истиқболли гуруҳ. Ушбу жадваллардан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида шифокорлар томонидан фойдаланиш касаллик бошланишидан олдин хавф гуруҳларини аниқлаш ёки касаллик келиб чиққандан сўнг унинг оғирлик даражасига қараб беморларни гуруҳларга ажратиш, улар орасида тизимли ёндошув асосида индивидуал, дифференциаллашган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Жадвалдан фойдаланишда тиббиёт ходими томонидан беморнинг анамнез маълумотлари йиғилиб, тиббий кўриқдан ўтказилгач, аниқланган омиллар мазкур жадвалда белгиланиб олинади. Шундан сўнг барча омилларга мос келадиган қийматлар йиғиндиси олинади ва жадвалга мос равишда бемор қайси гуруҳга кириши қайд этилади.

Хавф даражасига кўра, беморлар 3 гуруҳга ажратилади: хавфнинг энг кичик даражаси, хавфнинг ўртача даражаси, хавфнинг энг юқори даражаси. Ҳар бир хавф гуруҳига кирган шахслар бўйича тузилган индивидуал чора-тадбирлар уларнинг амбулатор картасида қайд этилиб, йил охирида оилавий шифокор томонидан ҳисобот тайёрланади. Хавф омили эҳтимоллик даражаси ортган сари беморларни ёмон истиқболли гуруҳга киритиш хавфи ошиб бораверади.

Хавфнинг энг кам эҳтимоллик чегараси мавжуд бўлган яхши истиқболли гуруҳ билан касалликнинг бирламчи профилактикаси чора-тадбирлари олиб борилади. Бунда асосий эътибор касаллик келиб чиқишининг олдини олишга қаратилади. Биринчи навбатда мавжуд хавф омилларини бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайитириш керак.

